O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 1-dekabr • Shanba • 146 (27.791) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Кеча Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси очилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси тўғрисида ахборот

30 ноябрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси очилди.

Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, ўтказилаётган ялпи мажлис кун тартибига киритилган масалаларга фаолияти дахлдор давлат органларининг раҳбарлари ҳозир бўлдилар.

Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И.Собиров бошқарди.

Сенаторлар ўз ишларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн беш йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан киритилган амнистия тўғрисидаги масалани кўриб чиқишдан бошладилар ва унинг юзасидан тегишли қарор қабул қилдилар. Бу ҳужжат инсонпарварликнинг ёрқин намунаси, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилаётганлигининг яна бир далили эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Шундан кейин Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги Давлат бюджети кўриб чиқилди. Муҳокама асосида Давлат бюджети иқтисодий ислоҳотлар устувор йўналишларини ҳисобга олиб тайёрланганлиги ҳамда макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлашга, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларни янада ривожлантиришга қаратилганлигига алоҳида урғу берилди.

Мамлакат асосий молиявий ҳужжатининг харажатлар қисмида ижтимоий сиёсат соҳасидаги устувор вазифалардан бири сифатида бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендия ва нафақалар миқдорини ошириш тамойилини сақлаб қолиш назарда тутилмоқда.

2008 йилги инвестиция дастурини амалга ошириш доирасида кўриб чиқилган Давлат бюджетида назарда тутилган маблағларнинг асосий қисми умумтаълим мактабларини ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш, қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашга доир давлат мақсадли дастурларини амалга оширишга йўналтирилади.

Қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилди. Қишлоқ хўжалик ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилашга мўлжалланган маблағлар анчагина кўпайтирилди, унумдорлиги юқори бўлмаган ерларда қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчи фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлашга доир мақсадли маблағлар ҳам назарда тутилмоқда. Сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги Давлат бюджетини маъқулладилар.

Сўнгра парламент юқори палатасининг аъзолари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 мартда қабул қилинган «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш дастури тўғрисида»ги ПҚ-24-сонли Қарорига мувофиқ тайёрланган «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар.

Қонунни муҳокама қилиш асосида ушбу ҳуқуқий ҳужжат солиқ сиёсатини шакллантиришнинг амалиётда синовдан ўтган принципларига, яъни солиқ солишнинг мажбурийлиги, адолатлилиги, солиқ тизимининг ягоналиги, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ошкоралиги ҳамда солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларидаги бартараф этиб бўлмайдиган барча қарама-қаршиликлар ва ноаниқликлар солиқ тўловчининг фойдасига талқин қилинишини назарда тутувчи солиқ тўловчининг ҳақлиги презумпцияси принципларига асосланганлиги кўрсатиб ўтилди. Солиқ кодекси солиқ бошқаруви нормаларини қамраб олади, айрим солиқларни ҳисоблаб чиқариш қоидалари ҳамда тўлаш тартибини имкон қадар соддалаштиришни ва бирхиллаштиришни назарда тутади, тадбиркорлар ўз бизнесларини ўртача муддатда ривожлантиришни асосли тарзда прогноз қилишларига имкон беради. Сенаторлар ушбу Кодекс ўзида мавжуд солиқ нормаларининг бутун тизимини жамлаган дея таъкидладилар. Юқори палата аъзолари Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини маъқуллашдилар.

(Давоми 2-бетда)

Суратларда: мажлисдан лавҳалар.

Рўзмат ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн беш йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида 2

Бу дарднинг шифоси ҳам, давоси ҳам покдомонликда 3

Бундай бемор сизга яқинми-узоқми, танишми-нотанишми, меҳрингизни ундан дариғ тутманг... Ҳеч чўчиманг, бу сизнинг соғлиғингизга хавф солмайди, балки савоб...

«Хўжақўчқор» тоғларининг сири 4

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, бу ерда мотори ўчирилган автомобиль пастга эмас, аксинча, тепаликка қараб ўз-ўзидан юра бошлайди



Ўзбекистон — Россия:

Хаузак маҳсулот бера бошлади

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари икки давлат раҳбарлари томонидан 2005 йилда имзоланган иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома асосида изчил ривожланиб бормоқда. Ўзбекистон ва Россия компанияларининг нефть-газ соҳасидаги самарали ҳамкорлиги бунга ёрқин мисол бўла олади.

29 ноябрь куни Хаузак газ конининг фойдаланишга топширилиб, бу ерда саноат усулида маҳсулот қазиб чиқара бошланганлиги кўп йиллик ҳамкорликнинг дастлабки мевасидир. Зеро у, Россиянинг «Лукойл» ва «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниялари томонидан биргаликда амалга оширилаётган «Қандим — Хаузак — Шоди — Кўнғирот» мегалойиҳасининг бир қисми ҳисобланади. 2004 йилнинг ноябрида кучга кирган Маҳсулот тақсимоти тўғрисидаги битим шартларига мувофиқ ишлаб чиқарилган маҳсулотни тенгма-тенг тақсимлаш кўзда тутилган. Лойиҳага сарфланадиган инвестиция миқдори эса уч миллиард АҚШ долларидан ошади.

«Қандим — Хаузак — Шоди — Кўнғирот» лойиҳаси бўйича жами 160 дан ортиқ янги қудуқларни кавлаш, узунлиги 1500 км.дан ортиқ қувурнинг ўтказилиши, салкам 40 км. узунликдаги темир йўл тармоғини, шунингдек, йилига 8 миллиард кубо метрдан ортиқ газни қайта ишлаш қувватига эга бўлган замонавий газ-кимё мажмуини барпо этиш ҳам режалаштирилган. Яна шуни айтиш керакки, кон тўлиқ қувват билан ишлай бошлагач, бу ерда ҳар йили салкам 11 миллиард кубометр газ қазиб олинади. Юзлаб янги ишчи ўринлари очилади.

Алишер РЎЗИЕВ

Суратларда: *Хаузак газ конини фойдаланишга топшириш маросимидан лавҳалар.*

Муаллиф олган суратлар.



ЎзХДП туман кенгашларида

Жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзолари

Ногиронлар манфаатларини таъминлаш, ижтимоий муҳофаза қилиш масалаларида юртимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилаяпти. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Дастурида ҳам жисмоний имкониятлари чекланган кишиларни ижтимоий ҳимоя этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Шундан келиб чиқиб партия ташкилотлари жойларда ушбу қатлам вакиллари иштирокида турли тадбирлар ўтказиб келаяптилар.

Пойтахтимизнинг Бектемир туманида Халқаро ногиронлар куни муносабати билан ташкил этилган байрам тадбирида ҳудудда истиқомат қилувчи ногиронлар, кексалар иштирок этдилар. «Криди» ногирон болалар клуби ҳамда Рус миллий-маданият маркази томонидан уюштирилган кечага Ўзбекистон ХДП туман кенгаши ва қатор бошқа ҳамкор ташкилотлар ҳомийлик қилдилар.

— Биз ЎзХДП ташкилотлари билан доим ҳамкорликда ишлаймиз, — дейди «Криди» ногирон болалар клуби раҳбари Лариса Россинская. — Ўзим ҳам шу партия аъзосиман. Мазкур сиёсий кучнинг ногиронлар ҳам ҳаётда ўз ўрнини ҳис этиб яшаши керак, деган эзгу ғояси кўпчилик томонидан қўллаб-қувватланади. Шунинг учун ҳам бу партиянинг хайрихоҳлари жуда кўп.

Кечада иштирокчилар ўз иқтидорларини намоён этишди. Ҳунарманд ногиронлар меҳнати ила яралган турли буюмлар кўргазмаси ташкил этилди. Улар куйлаган қўшиқлар эса барчанинг кўнглини хушнуд этди.

(Ўз мухбиримиз)

Сайлов ҳақида Саволингиз борми?

«Бир партия аъзоси бошқа партиядан Президентликка кўрсатилган номзод учун овоз бериши мумкинми?

Мухтор СУЛАЙМОНОВ, Қўқон шаҳри».

Саволга Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Абдуманноб РАҲИМОВ жавоб беради.

— Албатта, чунки, ҳар қандай сайловда иштирок этиш — сайлаш, сайланиш, овоз бериш бу ҳар бир кишининг конституциявий ҳуқуқи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга экани ҳамда бу иштирок ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширишда намоён бўлиши белгиланган. Кўриниб турибдики, фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ҳамда мамлакатимиз давлат вакиллик органларига бўлиб ўтадиган умумхалқ сайловларида иштирок этиш орқали давлат ишларини бошқаришдаги ҳуқуқларини бевосита амалга оширадилар.

«Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунда белгиланганидек, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Конституция ва бошқа қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган сайлов ҳуқуқлари давлат муҳофазасидадир.

Қонуннинг 3-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий мавқеи, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқига эга. Шунингдек, 5-моддада фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмаслиги кафолатланган.

Шунингдек, мазкур қонуннинг 7-моддасига кўра, сайловчилар ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш ва яширин овоз бериш ҳуқуқига эга. Участка сайлов комиссиялари овоз беришни ихтисослашган биноларда ташкил этиб, фуқароларга ўз хоҳиш-иродасини эркин ва яширин равишда билдириш имкониятини яратади. Сайловчиларнинг хоҳиш-истак билдиришларини назорат этишга йўл қўйилмайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, 2004 йил 26 декабрдаги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтган сайловларда сайловчиларнинг аксарияти аввало сиёсий партияларнинг сайловолди дастурига муносабатидан келиб чиқиб овоз берган эди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида эса сайловчилар шахси, раҳбарлик салоҳияти, одамийлик фазилати, тажрибасига қараб, ўзига маъқул номзодга овоз беради. Барчамиз ўз келажагимизни эл-юрт ҳурматига сазовор бўлган чинакам фидойи инсонга ишониб топширамиз, унга овоз берамиз. Шу маънода, айтиш керакки, мамлакат, юрт раҳбарини сайлаш ҳақида гап кетар экан, бу ерда ким қайси сиёсий куч аъзоси бўлишидан қатъи назар, барчамизники бўлган шу азиз Ватаннинг эртаси учун овоз беради. Сиёсий партиялар ёки бошқа ҳаракатларга аъзолик сайловчига овоз бериш жараёнида қандайдир мажбурият юкламайди.

«Обуна — 2008»

Икки ҳиссага ортади

Ҳар бир жамоанинг ўз севимли нашри, қизиқиб ўқийдиган газетаси бўлади. «Ўзбекистон овози» Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи жамоаси учун ана шундай нашрлардан бири саналади.

— Бунинг боиси бор, — дейди **корхона директори, ЎзХДПдан вилоят кенгаши депутати Шамшиддинхўжа Сайдаҳмедов.** — Жамоамиз эришаётган муваффақиятлар, ишчи хизматчиларнинг турмуш тарзи, хуллас, қувонч ва ташвишларимиз айнан шу газета саҳифаларида ёритиб бориляпти. Яна бир жиҳати, газетанинг рангли бўлгани, дизайни ўзгаргани ҳам эътиборимизни тортмоқда. Шунингдек, газетанинг ҳар бир сонидан ўрин олган қизиқарли мақолалар, суҳбатлар бизни бефарқ қолдирмайди. Шу боис 2008 йил учун мазкур газетага обунани икки ҳиссага кўпайтирамиз...

Дарвоқе, ҳозир бу жамоага 45-50 нусхада «Ўзбекистон овози» бориб етаётган бўлса, янги йилдан бошлаб бу миқдор 100 тага етади. Бу билан ҳам бошланғич партия ташкилоти, ҳам Маънавият хонаси, ҳам инженер-техник ходимлар ва уларнинг оила аъзолари маънавий дунёси бойийди.

(Ўз мухбиримиз)

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн беш йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн беш йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига мувофиқ, инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 80-моддаси 10-бандига ва 93-моддаси 23-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ**:

1. Биринчи марта содир этган жиноятлари учун судланганлар жазодан озод қилинсин:

а) аёллар;

б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар;

в) 60 ёшга тўлган эркаклар;

г) чет эл фуқаролари.

2. Эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этганлар, шунингдек, биринчи марта ҳукм қилинган шахслар, башарти улар ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этган бўлсалар, жазодан озод қилинсин.

3. Мазкур Қарор кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касалликка чалинган ёки биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари деб топилган шахслар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.

4. Озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йилдан кўп бўлмаган, ҳукми мазкур Қарор эълон қилинган кунга қадар қонуний кучга кирган маҳкумлар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.

5. Тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта 10 йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилиниб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилинсин.

6. Ушбу Қарорнинг 1-ва 2-бандларида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган барча тергов ишлари ва судда кўрилмаган ишлар тугатилсин.

7. Мазкур Қарорга асосан жазодан озод қилинмайдиган шахслар жазо муддатининг ўталмаган қисми қуйидагича қисқартирилсин:

а) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга — учдан бир қисмига;

б) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга — тўртдан бир қисмига.

8. Татбиқ этилмасин:

а) мазкур Қарор — ўта хавфли рецидивистларга; жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган шахсларга; шунингдек, муқаддам афв этиш ёки амнистия тартибида жазодан озод бўлгач, яна қасддан жиноят содир этган шахсларга;

б) мазкур Қарорнинг 1-банди — ўта оғир жиноят содир этган шахсларга, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 273-моддаси 5-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган чет эл фуқаролари бундан мустасно;

в) мазкур Қарорнинг 1-4, 6-, 7-бандлари — тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир қилганлиги учун судланганларга.

9. Сенатнинг ушбу Қарори амалга оширилиши юзасидан масъулият Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилсин.

10. Ушбу Қарор эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради ва уч ой мобайнида ижро этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.СОБИРОВ

Тошкент шаҳри, 2007 йил 30 ноябрь

Қарор ва ижро

Имтиёзлар — имконият калити

Мамлакатимизда амалга оширилаётган босқичма-босқичлик тамойили асосидаги ислоҳотлар қамровида ҳукуматимиз томонидан солиқ юкини енгиллаштириш, солиққа тортиш механизмини соддалаштиришга қаратилган интилишлар тобора сезиларли тус олмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2006 йил 22 июндаги «2006-2008 йиллар даврида маҳаллий хомашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида»ги Қарори ўтган қисқа муддатдаёқ кўплаб ишлаб чиқариш объектлари амалиётида ҳаётий зарурат эканлиги исботланди.

Биргина «Наманганмаш» ҳиссадорлик жамияти маҳаллийлаштириш дастурига мувофиқ 1 миллион 186 минг сўм молмулк солиғидан, 4 миллион 436 минг сўм божхона қўшимча қиймат солиғидан озод бўлган.

ДУ — 50, 80, 100, 150 маркали қувур арматуралар ҳамда РУ-10 босимлик қуйма пўлат «задвишка»лар, чугун винтеллар тайёрланадиган корхонада умумий ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг қарийб 50 фоизини маҳаллийлаштириш дастурига мувофиқ тайёрлашга эришдилар.

«Россия МАВР», «Урало Сибирская промышленная компания» масъулияти чекланган жамиятлари иккиламчи рангли металл ҳамда «подшипник» ишлаб чиқариш заводларидан ва улгуржи савдо базаларидан сотиб олинган хомашёдан тайёрланган маҳсулотлар республикамизнинг нуфузли Олмалиқ, Навоий тоғ металлургия комбинатларига ҳамда «Ўзэнергия» таъмирлаш корхоналарига етказиб берилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, солиқлардан олинган имтиёзлар корхонанинг экспорт салоҳиятини оширишга ижобий таъсир қилмоқда. Самарадаги «Технология-1» масъулияти чекланган жамияти, Украинадаги «Украинвестмаш» заводларига 185 миллион 644 минг сўмлик тайёр «Наманганмаш» маҳсулотлари етказиб берилди. Айни вақтда жамият томонидан тузилган жами шартнома 2 миллиард 100 миллион сўмни ташкил этмоқда. Маҳаллий маҳсулотлардан халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган Наманган шаҳридаги «Машхим» масъулияти чекланган жамияти ҳам юқоридаги қарор асосида ягона солиқ тўловидан озод бўлди. Бу жорий йилнинг 9 ойи мобайнида 27 миллион 369 минг сўм маблағ корхона ихтиёрида қолди, деганидир. Тежалган маблағ ўз-ўзидан маълумки, корхонанинг ишлаб чиқариш қувватини оширишга, замонавий жиҳозлар сотиб олиш, янги иш ўринлари яратиш ҳамда ишчи-ходимларнинг моддий манфаатдорлигини кескин ўсишига сарфланади.

— Солиқ тизимидаги ислоҳотларнинг яна бир аҳамиятли жиҳати шуки, — дейди Наманган вилоят давлат солиқ бошқармаси юридик шахслар тўловларини бюджетга тушишини назорат ва таҳлил қилиш бўлими бошлиғи Оқилжон Пайзибоев, — у жойларда ташкил этилган касаначилик фаолиятининг авж олдирилишига ҳам кенг имкониятлар яратиб бермоқда. Вилоятда мавжуд 44 та йирик буюртмачи корхонанинг хомашё материалларини қайта ишловчи 2810 та касаначида жорий йилнинг 9 ойи мобайнида иш ҳақи ҳисобидан 22 миллион 729,9 минг сўм имтиёз олиш имкони пайдо бўлди. Бу эса «Ислоҳотлар инсон учун, инсоннинг фаровон келажаги учун» деган шиорнинг амалда таъминланаётганлигининг яна бир ёрқин исботидир. Хулоса қилиб айтганда ишбилармон, тадбиркорлар манфаатини кўзловчи бундай имтиёзларни том маънода имконият калити дейиш мумкин.

Баҳодир ҲАМИДОВ,
Наманган вилояти Давлат солиқ бошқармаси Ахборот хизмати бош мутахассиси

Янги технология ун сифатини оширди

Қизилтепа туманидаги кичик ун заводи ҳам собиқ шўролар даврининг «матоҳи» эди... Вилоят ва туман ҳокимлиги ташаббуси билан заводни тўла модернизация қилишга, маҳсулот ишлаб чиқаришни тўхтатмаган ҳолда жаҳон андозаси даражасида қайта капитал таъмирлашга киришилди. Ниҳоят Туркияда ишлаб чиқарилган, бир кеча-кундузда 45-50 тоннагача буғдойни энг мақбул тарзда — чиқитсиз ишлай оладиган механизмлар маъқул кўрилди. Қисқа вақт ичида қарийб 500 миллион сўмлик технология харид қилинди.

— Энди қўшимча харажатлардан ва илгариги сифатсиз қора унлардан батамом қутилдик. Хозир ҳар 24 соатда 50-55 тонна 1-навли харидоргир ун ишлаб чиқараяпмиз, — дейди **туман дон маҳсулотлари комбинати директори Бахтиёр Бердиев**. — Жамоамиз шу куз-қиш ойларида 21 минг тонна ғаллани қайта ишлашни кўзлаган. Яна бир жиҳати — модернизация жараёнларидан сўнг заводда янгидан 30 та янги иш ўринлари яратилди. Ҳозир наинки Қизилтепа, Кармана туманлари, Учқудуқ, Зарафшон шаҳарлари ва бошқа вилоятлар ҳудудлари аҳолиси учун ҳам сара ун етказиб бераяпмиз. Келгуси йиллардан хорижий мамлакатлар — Афғонистон ва Тожикистонга ҳам маҳсулот чиқариш ниятимиз бор...

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси тўғрисида ахборот

(Давоми. Боши 1-бетда)

Сенаторлар «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳам кўриб чиқдилар.

«Жамоат фондлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига қўшимча киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам сенаторлар томонидан кўриб чиқилди. Қонуннинг асосий мақсади «Жамоат фондлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 24-моддасининг учинчи қисмидаги ҳамда «Ҳомийлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 9-моддасининг учинчи қисмидаги нормаларни, яъни жамоат фонди томонидан ҳомийлик дастурлари амалга оширилишида иштирок этаётган шахсларнинг меҳнатига тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш билан боғлиқ нормаларни мувофиқлаштиришдан иборатдир. Ана шу нормаларга биноан маъмурий харажатларга доир чекловлар ҳомийлик дастурларини амалга оширишда иштирок этаётган шахсларнинг меҳнатига ҳақ тўлашга нисбатан татбиқ этилмайди. Сенаторлар Қонунни маъқулладилар.

Парламент юқори палатасининг аъзолари Давлат бюджетининг ғазна ижросини жорий этиш ҳисобига бюджет тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган «Бюджет тизими тўғрисида»ги ҳамда «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқиб, маъқулладилар. Қонун бюджет маблағларининг ўз ўрнида ва самарали сарфланишини замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда назорат қилишни кучайтиришга, ҳамма даражалардаги бюджетларнинг даромадлари ва харажатларини бошқариш самарадорлигини оширишга, шунингдек, «Бюджет тизими тўғрисида»ги ва «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг қоидаларини Давлат бюджетининг ғазна ижроси талабларига мувофиқлаштиришга қаратилган.

Сўнгра сенаторлар «Саноат, газ таъминоти ва кон назорати соҳасидаги бошқарув такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини муҳокама қилдилар. Қонунда жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 июнда қабул қилинган «Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 27-моддасига Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасини углеводород конларини аниқлаш ва қидириш ҳамда углеводородларни кавлаб олиш мақсадида геологик жиҳатдан ўрганиш, углеводородларни сақлаш учун ер ости иншоотларини қуриш ва улардан фойдаланиш мақсадида ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган лицензияларни бериш бўйича ваколатли орган сифатида белгилашга оид қоида киритиш назарда тутилмоқда. Сенаторлар Қонунни маъқулладилар.

Шундан кейин «Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни муҳокама қилинди ва маъқулланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 27 апрелда қабул қилинган «Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори асосида ишлаб чиқилган ана шу ҳуқуқий ҳужжатга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига, шунингдек, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги, «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг баъзи моддаларига аниқлаштирувчи ўзгартишлар киритилмоқда, жумладан юридик шахсни нафақат тугатиш комиссияси, балки жисмоний шахс (тугатувчи) томонидан ҳам тугатиш имконияти берилмоқда.

«Табиий монополиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқиш асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 январдаги Қарори билан тасдиқланган «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурининг асосий йўналишларидан бири амалдаги ижтимоий ҳимоя тизимининг самарадорлигини оширишдан иборат эканлиги алоҳида таъкидланди. Мазкур Қонуннинг асосий мақсади аҳолининг ҳаётий таъминотини кучайтириш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, товар ва хизматларнинг рақобатбардошлигини ошириш учун янада қулайроқ иқтисодий шароитлар яратиш, шунингдек, уй-жой-коммунал хизматлар нархи мақбул бўлишини кафолатлайдиган, монополияга қарши қаратилган чораларни аниқлаштиришдан иборат.

Чунончи, «Табиий монополиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар рақобат муҳити шароитларида фаолият кўрсата оладиган ишлаб чиқаришларни табиий монополиялар соҳасидан ажратиб чиқариш ва кейинчалик уларни хусусийлаштириш вазифаларининг бажарилишини таъминлаш имконини беради. Парламент юқори палатасининг аъзолари ушбу Қонунни маъқулладилар.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 17 сентябрда қабул қилинган «Пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони асосида тайёрланган «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳам кўриб чиқдилар. Мазкур Фармонда 2007 йилнинг 1 октябридан эътиборан пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган иш ҳақининг максимал миқдорини энг кам иш ҳақи миқдорининг етти каррасидан саккиз каррасигача ошириш назарда тутилган. Шу нарса ҳам таъкидлаб ўтилдики, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг баъзи моддаларига киритилаётган ўзгартишлар пенсионерларнинг моддий фаровонлигини янада оширишга, ижтимоий адолат принципларини мустаҳкамлашга ёрдам беради. Сенаторлар ушбу ҳуқуқий ҳужжатни маъқулладилар.

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқиш чоғида сенаторлар ушбу ҳуқуқий ҳужжат «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини «Олтин акция» деб номланган янги 24[1]-модда билан тўлдираётганлигига алоҳида эътибор қаратдилар. «Олтин акция» деганда айрим акциядорлик жамиятларини бошқаришда давлат иштирокининг махсус ҳуқуқи тушунилади. Бу ҳуқуқ стратегик аҳамиятга молик давлат корхоналарини хусусийлаштириш ёки акциядорлик жамиятларининг давлат акция пакетларини хусусий мулк этиб реализация қилишда Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорига асосан жорий этилади ва мамлакатнинг иқтисодий манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайди. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан кейин сенаторлар «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар ва маъқулладилар. Таъкидланганидек, Кодексга киритилаётган қўшимчалар транспорт воситасини бошқариш пайтида транспорт воситаси салонининг олд қисмига ишлаб чиқарувчи корхона томонидан ўрнатилган теле-, видеомониторидан фойдаланганлик, шунингдек, бундай мониторларни транспорт воситаси салонининг олд қисмига ўзбошимчалик билан ўрнатиб олганлик учун маъмурий жавобгарликни кучайтиришни назарда тутади. Қонун фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилишга, ҳаракат хавфсизлигини оширишга ҳамда йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга қаратилган.

«Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам парламент юқори палатаси аъзолари томонидан кўриб чиқилди. Жиноят ишлари бирлаштирилган ва алоҳида иш юритувга ажратилган тақдирда, дастлабки тергов муддатларини ҳисоблаш тартибини бошқариш механизмини такомиллаштиришга ҳамда қонунда белгилаб қўйилган дастлабки тергов муддатларига риоя этилиши кафолатларини таъминлашга қаратилган мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига киритилаётган тузатишларга мувофиқ, жиноят ишлари бирлаштирилаётганда улар бўйича дастлабки тергов муддати узоқроқ муддат мобайнида тергов қилинган жиноят иши бўйича белгиланади. Бунда шу дастлабки тергов муддати қолган жиноят ишлари бўйича тергов иш юритиш муддатларини ҳам қамраб олади. Бундай ҳолларда янги қўзғатилган жиноят иши бўйича дастлабки тергов муддати ҳисобга олинмайди. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенаторлар жамиятни демократлаштириш ва янгилаш борасидаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган бошқа бир қанча қонунларни ҳам кўриб чиқдилар.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн иккинчи ялпи мажлисининг биринчи иш куни тугади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати.

Маҳсулот — ўзимизники, Ўзбекистонники!

Барқарор иқтисодий ўсишга эришилди

«VISO» Ўзбекистон — Австрия қўшма корхонаси 2000 йилда ташкил этилган эди. Олинган 4 миллион 190 минг АҚШ доллари миқдоридаги кредит эвазига 250 турда пойабзал ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Айни пайтда мамлакатимизнинг турли вазирлик, идоралари, қурилиш ташкилотлари буюртмаларига асосан ҳамда ички ва ташқи бозорда сотиш мақсадида бу ерда бир ойда ўн беш минг жуфт оёқ кийими ишлаб чиқарилаяпти.

— Бугунги кунга келиб тўлиқ барқарор иқтисодий ўсишга эришдик, — дейди корхона бош директори Рустам Раҳматқориев. — Олинган кредитнинг ҳам асосий қисмини қайтардик. Қолганидан ҳам тез орада тўлиқ қутуламиз. Жамоада 100 киши меҳнат қилмоқда. Уларнинг ижтимоий ва меҳнат муҳофазаси, дам олишларини таъминлаш юзасидан барча шарт-шароитлар яратилган. Келгусида ишлаб чиқариш ҳажмини янада кенгайтириб, янги иш ўринлари яратиш борасида изланишлар олиб бораяпмиз.

(Ўз мухбиримиз)

Суратларда: *тайёр маҳсулотлар; қолипловчи Гулнора Долиева; тикувчи Севара Каримова; ишчилар Талъат Қамбаров ва Фаррух Шоаббосов;*

Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар

1 декабрь — Бутунжаҳон ОИТС (СПИД)га қарши кураш куни

Комилжон ЙЎЛДОШЕВ:

Бу дарднинг шифоси ҳам, давоси ҳам покдомонликда

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига қараганда, бугунги кунда ер юзида 33,2 миллион аҳоли ОИТС — орттирилган иммунитет танқислиги синдроми касаллигига чалинган. Маълумки, дунё ҳамжамияти бу касалликнинг олдини олиш борасида турли чора-тадбирлар кўраяпти, дастурлар, лойиҳалар амалга оширияпти. Афсуски, илмий тадқиқотлар натижаси ташвишли: хасталик дунёнинг барча мамлакатларини қамраб, глобал эпидемияга айланиб бораётганини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош дерматовенерологи, Дерматология ва венерология илмий-амалий республика маркази бўлим бошлиғи, тиббиёт фанлари доктори, профессор Комилжон ЙЎЛДОШЕВ билан республикамизда бу борада олиб борилаётган чора-тадбирлар хусусида суҳбатлашдик.

— Комилжон Абдукаримович, баъзан аҳоли орасида қанча эҳтиёткор бўлсам ҳам ўғлим (ёки қизим) тери-таносил касаллигига (ёки бедаво дардга) чалиниб қолипти, деган гап-сўзлар юради. Айтинг-чи, аҳоли бу хасталикдан қандай сақланиши керак?

— Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг хабарига кўра, ҳозир дунёда 27 хил жинсий алоқа орқали юқувчи касаллик маълум бўлиб, СПИД ҳам шулардан бири. Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистон одамда орттирилган иммунитет танқислиги вируси тарқалиши паст даражада бўлган мамлакатлар сирасига киради. Лекин бу хотиржамликка берилишга асос бўлолмайди. Негаки, республикамизда 2003-2005 йилларда аҳолининг турли қатламлари орасида ўтказилган тиббий текширувлар натижасига кўра, орттирилган иммунитет танқислиги вируси инфекциясини ҳомиладор аёллар, қон донорлари ва жинсий алоқа йўли орқали юқадиган инфекцияси тури билан касалланиш даражаси нисбатан барқарор эди. Кейинги пайтда инъекция орқали гиёҳванд моддалар истеъмол қилувчилар ўртасида тиббий текширув ўтказилганда, касалликка чалинганлар сони бироз камайиб бораётгани аниқланди.

Яна бир ҳолат: сўнгги беш йилда ОИТС инфекцияси юқтириш соҳасидаги вазият ўзгарди, яъни янги касалланиш ҳолатлари сони ошгандек бўлди. 2007 йил 1 январь ҳолатига кўра, республикамизда 1987 йилдан касалларни рўйхатга олиш бошлангандан буён 10015 нафар одамда ОИВ инфекцияси ҳолати аниқланган. Уларнинг ярмини 30 ёшгача бўлган шахслар ташкил этади. Энг ачинарлиси, 1999 йилдан буён ОИВ билан оғриган оналардан туғилган 217 нафар бола рўйхатга олинган, гўдаклар 18 ойлигида тестдан ўтказилганда уларнинг уч нафарида касаллик инфекцияси аниқланган.

Республикамизда эпидемияни ҳаракатлантирувчи асосий омил гиёҳванд моддаларни инъекция (укол) йўли билан истеъмол қиладиган, яъни «игнага ўтириб қолган» шахслардир. Чунки улар касалланган одам ишлатган, яъни беморнинг қони билан ифлосланган шприц, игналар, эритмалардан фойдаланиб, ўзларига дардни юқтириб оладилар.

Республикамизда ОИТС эпидемиясини тарқатувчи яна бир сабаб — биологик омиллар ҳисобланади. Яъни касалликни юқтирган шахслар махсус тиббий даволаниш муассасаларига тўлиқ жалб этилмай қоладилар. Бу ҳолат эса орттирилган иммунитет танқислиги инфекциясининг юқиши юқори бўлишига олиб келмоқда.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, кўп ҳолатларда аниқланган заҳм, сўзак касалликлари билан хасталанган беморлар хусусий клиникаларда даволанишади. Лекин бу касалликлар ОИТС хасталигига етакловчи «кўприк» ҳисобланади. Чунки улар бирбири билан яқин касалликлардир. Баъзан одамлар ОИТС касаллигидан «қўрқишса» ҳам заҳм ва бошқа жинсий алоқа йўли билан юқувчи касалликларни даволашда махсус клиникаларда тиббий муолажа курсларини олиш зарурлигига кўп ҳам аҳамият қаратмайдилар. Лекин венерологик касалликлардан (заҳм, сўзак, трихоминоз ва бошқа) даволанса бўлади, ОИТСдан-чи? Бу жиддий муаммо.

— Айтинг-чи, халқаро миқёсда касалликнинг олдини олиш учун қандай чоралар кўриляпти? Янги даволаш усуллари борми?

— Маълумки, 2001 йилда ЖСТ томонидан СПИДга қарши кураш Декларацияси қабул қилинган. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти, БМТнинг ОИТСга қарши кураш — ЮНЭЙДС ташкилоти билан ҳамкорликда янги лойиҳалар тайёрлаб, татбиқ этяпти.

Жаҳон оммавий ахборот воситалари уни бежизга «аср вабоси» деб атамаган. Чунки ўтган асрнинг 1990 йилида СПИДга чалиниш кўрсаткичи энг юқори — бир йилда 3 миллион одам рўйхатга олинган бўлса, 2007 йилда 2,5 (1,8-4,1) миллион «янги бемор»лар аниқланган. Бу бир кунда 6.800 нафар инсон ўзига ОИТС вирусини юқтиряпти, дегани! Ер юзида кунига 5700 нафар одам СПИДдан ўлаяпти!

Кейинги йилларда касалликка қарши даволаш усуллари анча такомиллашиб бормоқда. Сўнгги икки йилда ушбу хасталикдан ўлиш ҳолати бироз камайди. Чунки қўлланилаётган янги «антиретровирус терапияси» бирмунча самара бераётир.

— Республикамизда аҳолини ушбу хасталикдан ҳимоя қилишнинг қандай ҳуқуқий асослари яратилган?

— Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Шарқий, Марказий Осиё давлатлари билан таққослаганда Ўзбекистонда бу кўрсаткич сезиларли даражада паст. Негаки республикамизда унга қарши курашишнинг комплекс дастурлари ишлаб чиқилган. Ҳукуматимиз томонидан бу борада кенг кўламли ишлар амалга ошириляпти.

Маълумки, республикамизда «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишнинг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида» Қонун қабул қилинган.

Жорий йилдан бошлаб соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари борасида ишлар олиб борилаяпти. Республика аҳолисини венерологик, вирусли ва юқумли касалликлардан ҳимоя қилиш, ОИВ/ОИТС касаллигининг олдини олиш тизими самарадорлигини ошириш, улардан зарарланиш манбаларини профилактика қилиш ва тугатишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиляпти. Жумладан, олдинги Республика Дерматология ва венерология илмий-текшириш институти ва даволаш клиникаси негизида Республика Дерматология ва венерология илмий-амалий маркази ташкил топди. Бу аввало, республикамизда тери-таносил, вирусли, юқумли, ОИВ/ОИТС касаллигининг олдини олиш ва даволашда ягона ташкилий-услубий раҳбарликни ҳамда аҳолига бу борадаги тиббий хизматларни таъминлайдиган соғлиқни сақлашнинг замонавий ташкилий тузилмасини яратади...

— Оила — муқаддас маскан, мустаҳкам қалъа, тарбия бешиги ҳисобланади. Қолаверса, дардга мубтало инсон... ҳам шу қўрғонда яшайди. Айтинг-чи, уларга ўз атрофидаги маънавий муҳит қандай таъсир кўрсатади?

— Очиғи, маънавий муҳит ҳам бундай дардга чалинганлар ҳаётида катта роль ўйнайди. Негаки, уларнинг баъзилари руҳий тушкунлик кайфиятида бўлади, тажанглашиб, ҳудбинлашиб қолади. Тажрибамда кўрганман, айрим беморлар ўзининг жинсий алоқа йўли билан юқадиган касалликлар, ОИВ — ОИТС дардига йўлиққанини била туриб, бошқаларга, соғлом одамга юқтиришга интилади... Улар ҳар доим яқинларининг эътибори, ғамхўрлиги, қўллаб-қувватлашига муҳтож бўлади. Айниқса, ОИТСга чалинган одамларга нисбатан яхши муомалада бўлиш уларнинг руҳини кўтаради, биламизки, кўтаринки кайфиятдаги одамни дард енгиши қийин. Бундай бемор сизга яқинмиузоқми, танишми-нотанишми, меҳрингизни ундан дариғ тутманг... Ҳеч чўчиманг, бу сизнинг соғлиғингизга хавф солмайди, балки савоб...

Қадимдан аждодларимиз ҳаёт тарзида ризқу барака — меҳнатда, бахт-саодат — шукроналикда, осойишта ҳаёт — тотув, иноқликда, соғлиқ-саломатлик эса диёнатда, покликдадир, деган фалсафий қарашларга амал қилганлар. Бу дарднинг шифоси ҳам, давоси ҳам покдомонликда.

Суҳбатдош: Саида САЙХУН, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Банк ва мижоз

Микросармоялар кичик бизнес хизматида

MIKROKREDITBANK

Боғотлик Оллоберган Отабоев истиқлол йилларида ўзининг ҳалол меҳнати туфайли эл-юрт орасида қадр топган инсонлардан бири. Айниқса, у «Муҳаммад Ғанишер» фермер хўжалигини ташкил этганидан сўнг ҳақиқий мулкдорга айланди. Оллоберган шу йилнинг кўкламида лизинг асосида дон ўриш комбайни сотиб олиш ниятида «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкининг Боғот филиалига мурожаат қилди. Унга 30 июндаёқ FTDE-238 русумли комбайн сотиб олиш учун 21 млн. 600 минг сўм микролизинг ажратилди. Натижада фермер тўртта қўшимча ишчи ўрни яратди. Фермер хўжалигида етиштирилган барча ғалла ўриб олинди. Бундан ташқари шартнома асосида қўшниларнинг ғаллазорлари ҳам ўриб-янчиб берилди. Хуллас 4 млн. 127 минг сўмлик хизмат кўрсатилиб, қарзнинг бир қисми сўндирилди.

Умуман олганда «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки Хоразм вилоят филиали фаолиятининг устувор йўналишларидан бири қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга кўмаклашишдир. Фермер хўжаликларига қишлоқларда кичик қайта ишлаш корхоналарини барпо этиш, янги техника ва технологиялар, машина ва механизмлар сотиб олиш учун микрокредитлар ажратиш кўпайди. Бундай микрокредитлар жами кредитлари асосини ташкил этмоқда. Шу йилнинг ўзида бу соҳага 1 млрд. 159 млн. сўм ажратилганлиги фикримиз далилидир.

Жойларда тадбиркорлик ҳаракатини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ўз фаолиятини тобора кенгайтираётган ишбилармонлар, якка тадбиркорларга имтиёзли кредитлар ажратишни янада кучайтириш банк филиалининг асосий вазифасидир. Бундай эзгу ишларни амалга ошириш банк фаолиятининг барқарорлигини таъминлаб, унинг жойлардаги нуфузини кўтаришга хизмат қилаяпти. Қишлоқ аҳолисининг микромолиявий хизматлардан баҳраманд бўлиши кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерликнинг янада ривожланишида катта аҳамиятга эга.

Масалан «Дилнура Бектемировна» хусусий фирмаси «Билайн» хизматини ривожлантириш мақсадида экспресс карточкалари олиш учун банкнинг Шовот филиалидан 6 млн. сўм микрокредит олганди. Ҳозиргача бу фирма аҳолига 11 млн. 600 минг сўмлик «Билайн» хизмати кўрсатди. Учта янги ишчи ўрни яратилди.

Шовотлик Азимбой Раҳимов эса аҳолига зооветеринария хизмати кўрсатишга қарор қилганди. Шу боис асбобускуналар сотиб олиш учун банкдан 2 млн. сўм микрокредит олди. Ҳозиргача аҳолига 1 млн. сўмликдан зиёд хизмат кўрсатиб, иккита ишчи ўрни яратди. «Назарбек Хударган ўғли» кичик корхонаси раҳбари Бибижон Ибодуллаева эса тикувчиликни ривожлантириш учун банкдан 5 млн. сўм микрокредит олиб, еттита янги ишчи ўрни очди. Айни пайтда эшик ва дераза пардалари, кийим-кечаклар тикиб, холис хизмат кўрсатмоқда. Маҳсулотлари ҳам харидоргир. Буни қисқа муддатда 6 млн. 349 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, мижозларга сотилганидан ҳам билса бўлади.

Хива филиали мижози «Феруз» хусусий дорихонаси 5 млн. сўм, Қоровул филиали мижози «Гўзали Ҳулкар» ишлаб чиқариш корхонаси 24,5 млн. сўм, «Эсперо» хусусий фирмаси 5 млн. сўм микрокредит ва микролизинг олиб, ўз фаолият доираларини кенгайтириб, кўплаб янги ишчи ўринлари ташкил этдилар.

Ҳозирги кунда «Микрокредитбанк» АТБ Хоразм вилоят филиалининг 14 та минибанки жойларда фаолият юритмоқда. Вилоят бўйича 7301 та ҳуқуқий шахсларга (шундан 1255 таси фермер хўжаликлари) хизмат кўрсатиляпти.

Тадбиркор аёлларга молиявий мадад кўрсатишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилнинг 9 ойи давомида 412 аёл тадбиркорга 553,4 млн. сўмлик кредит ажратилди. «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурини амалга ошириш мақсадда аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашга ҳам катта аҳамият берилмоқда. Банк филиали билан вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази ўртасида имзоланган битим бу соҳада мутлақо янги йўналиш бўлди. Шу асосда ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчилари ҳузурида хусусий тадбиркорлик фаолияти учун яратилган имтиёзларни тарғиб қилиш, уларни микромолиявий хизматлар билан қамраб олишни кучайтиришга қаратилган семинар машғулотлари ўтказилди. Шунингдек, «Маҳалла» жамғармасининг вилоят кенгаши билан тузилган битим асосида маҳаллаларда ёшлар, айниқса, аёллар учун тадбиркорлик асосларига бағишланган семинар ва бошқа турдаги ўқув машғулотлари ташкил этилаётир.

Жамиятнинг ёшлар муаммоларини ҳал қилишдаги иштироки ҳамиша долзарб бўлиб келган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил қабул қилган «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилга қадар шаҳар ва қишлоқларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳам ёшлар учун катта имтиёз ва имкониятлар йўлини очди. Филиал ходимлари 9 ой ичида 156 тадбиркорлик субъектига режадаги 93 млн. сўм ўрнига 656,3 млн. сўм кредит ажратди. Айниқса ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилди. Чунончи шу йилнинг ўтган ойлари давомида 512,5 млн. сўм кредит ажратилганлиги бу борада қатор хайрли ишлар амалга оширилганлигини кўрсатади. Тадбиркорлар бу кредитларни асосан савдо ва умумий овқатланиш, автомобиль ва бошқа техника воситаларини таъмирлаш, коммунал ва маиший хизмат, алоқа ва телекоммуникация хизматларини ривожлантириш, болаларни соғломлаштириш ва спорт соҳаларига сарфлаётирлар. Демак, юзлаб янги иш ўринлари яратилиб, йигит-қизлар иш билан таъминланмоқда. Умуман олганда филиал томонидан ажратилган микрокредитлар ва микролизинглар эвазига Хоразм воҳасида 2188 янги ишчи ўрни ташкил этилди.

Банкнинг кредит ва инвестиция салоҳиятини ошириш ҳамда мунтазам кредит ресурслари базасини яратиш, аҳолига қулайлик яратиб бериш мақсадида қулай ва даромадли омонат турлари жорий қилинмоқда. Бугунги кунда аҳолига 20 га яқин жозибадор омонат турлари таклиф қилиндики, бунинг натижасида аҳоли омонатларининг қолдиғи ўтган йил бошига нисбатан 2 бараварга кўпайди. Ҳозирги кунда янги «Нурафшон», «Меҳрибонлик», «Мададкор» пластик карточкалар орқали «Хазина карт» ва шу каби омонат турлари аҳолига таклиф қилинмоқда.

Вилоят ҳудудида банкдан ташқари нақд пул айланмасини қисқартириш ҳамда чакана савдо, умумий овқатланиш ва пуллик хизмат кўрсатувчи корхоналарда нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишни такомиллаштириш борасида барча филиалларда ва 39 та савдо шоҳобчаларида жами бўлиб 44 та терминаллар ўрнатилиб, пластик карточкалар орқали муомала қилиш йўлга қўйилган. Йил бошидан буён аҳолига банкнинг 6000 та пластик карточкалари тарқатилди.

Банк филиаллари томонидан иш фаолиятини яхшилаш учун бозор конъюнктурасини ўрганиш асосида хизмат кўрсатиш ва сифатини оширишга асосий эътибор қаратилмоқда.

Аҳолига қулайлик яратиб бериш мақсадида банкнинг барча туман филиалларида WESTERN UNION электрон тўлов бўйича пул жўнатиш бўлимлари мавжуд бўлиб, кенг кўламли хизматлар кўрсатилмоқда. Хуллас, белгиланган барча тадбирлар банк фаолиятини универсаллаштириш, унинг мижозлари ва омонатчилари манфаатларини биринчи ўринда тутган ҳолда хизмат кўрсатишга қаратилаётир.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ, Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари

Исён бостирилди

Филиппин пойтахти Маниладаги «Peninsula» меҳмонхонасини эгаллаб олиб, мамлакат президенти Глория Магапагал Арройонинг истеъфога чиқишини талаб қилаётган мамлакат қуролли кучларининг 30 нафарга яқин исёнчи ҳарбийлари Филиппин армияси бўлинмаси меҳмонхонани бронетранспортерлар билан ишғол этишни бошлагач, таслим бўлишга қарор қилдилар, дея хабар тарқатди «AFP» АА.

Маълумотларга қараганда, 1500 дан ортиқ маъмурият ҳарбийси меҳмонхонани ишғол қилишга жалб этилган. Улар исёнчи ҳарбийларга қарши кўздан ёш оқизувчи газ қўлладилар.

Шуни таъкидлаш лозимки, Филиппинда ҳарбий давлат тўнтаришини амалга оширишга уриниш бир неча бор содир этилган. Масалан, 2003 йили 100 га яқин қуролли киши Маниладаги савдо марказини эгаллаб, ўз талабларини илгари сурганлар. 2006 йил февралда ҳам давлат тўнтаришига уриниш содир этилган. Уларнинг барчаси ҳокимият кучлари томонидан бартараф қилинган.

Глория Магапагал Арройо хоним 2004 йилги президентлик сайловида ғолиб чиқиб, иккинчи муддатга сайланган.

Кўрилган зарар 30 миллиард рубль

Шу йил 11 ноябрь куни Керч бўғозида юз берган тўфон оқибатида Россия иқтисодиёти 30 миллиард рублга яқин миқдорда экологик зарар кўрди, дейилади Жанубий прокуратура матбуот хизмати ахборотида. Аввалроқ, бу зарар Табиий ресурслар вазирлиги томонидан 6,382 миллиард рубль атрофида, дея баҳоланган эди.

«Кавказ» ва Ростов-Дондаги портлар раҳбариятининг ўз вазифасига масъулиятсиз муносабатда бўлиши зарар миқдори кўпайишини келтириб чиқарган. Улар об-ҳаво шароитига қараб, кемалар қатновини тартибга солишлари лозим эди.



Эслатиб ўтамиз: 11 ноябрь куни Керч бўғозида юз берган тўфон оқибатида «Волгонефть-139» танкери, «Вольногорск», «Нахичеван» ва «Ковал» юк кемалари ҳалокатга учраган. Бортида нефть маҳсулоти бўлган «Волгонефть-123» танкери эса жиддий шикастланган. «Камюст-1» юк кемаси Каспий денгизида чўкиб кетган. Қидирув-қутқарув ишлари натижасида 12 кишилик экипаждан атиги 3 нафаригина топилган. Умуман, табиий офат оқибатида 6 нафар денгизчи ҳалок бўлган, 11 нафари дом-дараксиз йўқолган. Сувга 7 минг тоннага яқин олтингугурт, 2 минг тонна нефть маҳсулоти оқиб кетган. Юз берган ушбу экологик фожиа сабабли 35 мингдан ортиқ парранда нобуд бўлди.

Мутахассислар ишидан мамнун

Маълумки, Шимолий Кореянинг Йонбендаги ядро объекти фаолиятини тўхтатиш ва ядро реакторларини қисмларга бўлиб, бузиш юзасидан шу йил июлда Пекинда Россия, Хитой, АҚШ, Корея Республикаси, Япония ва Корея Халқ Демократик Республикаси вакилларидан иборат делегациянинг олти томонлама музокаралари бўлиб ўтган эди. Энди бу келишувнинг амалдаги исботи керак. Айнан шуни текшириш учун 6 мамлакатнинг экспертлари 27 ноябрда Йонбендаги ядро объектига ташриф буюрганди. Йиғилганлар барча ишларни ўз кўзлари билан кўриб, олти томонлама музокаралар делегациясининг раҳбарлари учун норасмий ҳисобот тайёрлашга киришдилар.

Уларнинг айтишларича, барча ишлар рисоладагидек кетмоқда. Бундан Хитой мамнун эканлигини билдирди. Бу ҳақда ХХР Ташқи ишлар вазирлигининг расмий вакили Лю Цзъянчао журналистларга маълум қилди, дейилади «Новости» АА хабарида.

Аввалроқ тарқатилган маълумотларга қараганда, олти томонлама музокараларнинг навбатдаги Пекин учрашуви 6-8 декабрга белгиланган, унда июлдаги келишув шартлари қандай бажарилаётгани ва келгуси ишлар ҳақида музокаралар олиб борилиши айтилган эди. Аммо Лю Цзяньчаонинг айтишича, навбатдаги олти томонлама музокараларнинг муддати ҳали белгиланмаган.

Ит ва мушук мўйналари тақиқланди

Европа Иттифоқи Кенгаши (вазирлар кенгаши) Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар ҳудудида ит ва мушук мўйналаридан тайёрланган маҳсулотлар савдоси, уни четдан импорт қилиш ва четга экспортга чиқариш ҳақидаги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда маъқуллади. Ушбу қонун лойиҳаси шу йил июнда Европарламент томонидан ҳам маъқулланган.



2008 йил 31 декабрдан кучга кирадиган ушбу қонунга кўра, ҳайвон мўйналари савдоси билан шуғулланувчи шахслар мўйна нимадан тайёрланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни керакли ташкилотларга тақдим этишлари шарт. Кимки бу қоидани бузса, катта миқдорда жаримага тортилади.

Бельгиянинг жониворларни ҳимоя қилиш жамияти маълумотларига қараганда, мўйна ишлаб чиқариш мақсадида Осиё мамлакатларида йилига 2 миллиондан ортиқ ит ва мушук ўлдирилади.

Рекорд даражага етди

Америка Қўшма Штатларида яшовчи муҳожирлар сони кейинги етти йилда рекорд даражага ўсди, дейилади «The New York Times» газетасида чоп этилган ахборотда. 2000 йилдан буён бу мамлакатга 10 миллиондан ортиқ одам кўчиб борган ва шундай қилиб, бугунги кунда ҳар 8 кишининг бирини муҳожирлар ташкил этади. Уларнинг ярми эса ноқонуний кўчиб борганлардир.

Айни дамда АҚШда 11,3 миллион нолегал муҳожир яшамоқда.

Муҳожирларни ўрганиш Вашингтон марказининг ҳисоб-китобларида қайд этилишича, умумий ҳисобда Америкада 37,9 миллион нафар муҳожир бор. Шуни таъкидлаш лозимки, янги муҳожирларнинг асосини, мутахассислиги бўлмаган ёшлар ташкил этади, тахминан уларнинг учдан бир қисми ҳатто ўрта таълим маълумотига ҳам эга эмас (муҳожирларни рўйхатга олиш шу йил мартда амалга оширилган).

Муҳожирларни ўрганиш маркази бошлиғи Стивен Камаротанинг айтишича, АҚШга муҳожирлар оқимини чеклаш лозим. Бироқ унинг тадқиқотларида айнан муҳожирлар меҳнатидан давлат ғазнасига тушаётган фойда ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.

Шуниси ачинарлики, муҳожирларнинг 30 фоизга яқини тиббий суғуртага эга эмас. Уларнинг кўпчилиги кам ҳақ тўланадиган ишларда меҳнат қилмоқда.

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ БУХОРО ВИЛОЯТИ ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ

Қурилишни тўлалигича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

«Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уйдаги Давлат мулки қўмитаси Бухоро вилоят бошқармаси маъмурий биносини капитал таъмирлаш»

Буюртмачининг бошланғич нархи — 98 152 060 сўм.

Қурилиш ишларини бажариш муддати — 2 ой.

Қурилиш ишлари давлат инвестиция маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Буюртмачи манзили:

Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, телефон: 770-04-22, 770-04-24.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: устав сармояси миқдори, танлов савдолари предметининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағларга ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажриба ва кўникмаларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга ҳамда ўзаро ишончга, шунингдек, етарли ишчи кучи заҳираларига эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Бухоро шаҳар, Навоий шоҳ кўчаси, 5-уй, 18-хона. Тел.: 223-98-29, факс: 223-97-51.

Танлов ҳужжатлари бир тўплами (комплект) қиймати — 60000 (олтмиш минг) сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов савдолари очилиш куни ва соатида қабул қилиниб, танлов қатнашчилари ва оферталар иштирокида очилади.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб ўттиз кундан кейин, қуйидаги манзил: Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 5-уй, 18-хонада соат 10.00 да бўлиб ўтади.

Болалар спорти

Соғлом авлод — юрт таянчи

— дейди Вобкент туман халқ таълими бўлими мудири, ЎзХДП аъзоси Сулаймон Саноев, — фақат уларнинг боғчаданоқ жисмоний тарбияга бўлган ҳавасини оширишимиз зарур. Шундагина спортнинг оммавийлигига эриша оламиз

Дарвоқе, бугун туманнинг каттаю кичик рахбаридан тортиб, ота-оналаргача қишлоқда болалар спортини ривожлантириш нақадар долзарб масала эканлигини тушуниб етишган. Шу боис мавжуд 42 та мактабда махсус спорт заллари ташкил этилган бўлиб, уларда болаларнинг шуғулланишлари учун барча қулайликлар яратилган. Бунинг устига ҳар бир ҳудудда биттадан болалар спорти мажмуаси барпо этиш режалаштирилган... Бунга эришиш учун эса тугатилган ширкат хўжаликларининг ҳашаматли клуб ва йиғингоҳлари қайта реконструкция қилиниб, улардан оқилона фойдаланиляпти.

Қўқон — туманнинг олис қишлоқларидан бири эди. Унинг таркибига ўн битта майда қишлоқча ҳам киради. Яқин-яқингача ҳудудда яшаётган болаларнинг аксарияти кўча чангитиб юришарди. Чунки 12-,13-мактаблардаги спорт залидан тортиб, майдончаларгача эътибор йўқ эди. Мана, икки йилдирки, қишлоқда қад ростлаган болалар спорти мажмуаси, шу ернинг ўзида фаолият кўрсатаётган 28-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби муаммони бартараф этишда қўл келмоқда.

Қишлоғимизда ҳавас қилса арзигулик спорт кошонаси қурилди, — дейди фермер Комил Мирзаев. — Бу ерда мен ҳам фарзанду невараларим билан спорт тўгаракларига бораман. Ҳозир оиламиздан 4 киши шоҳмот тўгарагига қатнашади. Неварам Шаҳло вилоят биринчилигида учинчи ўринни олди. Унинг нияти — мамлакат чемпиони бўлиш.

Биз мажмуада бўлган куни болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори Аваз Ҳамроев эришилаётган муваффақиятлар ҳақида фахр билан гапирди.

— Ҳозирча мингга яқин ўғил-қиз спортнинг 7 тури билан мунтазам шуғулланади, — деди у. — Фозил Ярашев, Анвар Ибодов, Акобир Жамолов, Инобат Ҳалимова, Мухлиса Зокирова сингари мураббийлар меҳнати эвазига маҳоратли футболчи, бадиий гимнастикачи, шоҳмотчилар етишиб чиқмоқда. Ёш футболчилар «Вобкент» футбол жамоаси ўринбосарлари таркибида ҳам ўйнашяпти.

Туман халқ таълими бўлими услубшуноси Рашид Очилов ҳудудларда фаолият кўрсатаётган қатор БЎСМ тарбияланувчилари эндиликда мамлакат шарафини ҳимоя қилишдек залворли вазифа масъулиятини зиммаларига олганликларини сўзлаб берганида, қалбимиз фахр-ифтихорга тўлди. Кумушкентдаги 21-БЎСМдан Субҳон Қобилов, Нурали Маҳмудовлар оғир атлетика бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлишди. Спорт мактаби жамоаси волейбол мусобақасида вилоятда биринчи, қўл тўпи бўйича иккинчи, стол тенниси бўйича учинчи ўринни эгаллашгани Вобкентда соҳага катта эътибор билан қаралаётганини исботлади. 14-БЎСМ тарбияланувчиси Фарҳод Исаев миллий кураш, Улуғбек Ҳакимов турон яккакураши бўйича мамлакат биринчиликлари ғолиб ва совриндорлари саналишади. Вилоятда ўтказилган «Умид ниҳоллари» спорт беллашувларида БЎСМнинг бадиий гимнастикачи қизлари иккинчи ўринга муносиб, деб топилди.

— Шогирдларимиздан умидимиз катта, — дейди БЎСМ бадиий гимнастика тўгараги бош мураббийи Марина Аминова, — улар келажакда Ўзбекистон байроғини баланд кўтариб, нуфузли халқаро мусобақаларда қатнашадилар. Ҳозирча 90 нафар қиз шу мақсад билан яшамоқда.

Дарвоқе, БЎСМ ва мактабларда фаолият кўрсатаётган 73 нафар мураббийлар Амир Галенои (Эрон терма жамоаси) ҳамда Ким Хак Бум («Сеонгнам Чунма» футбол клуби, Жанубий Корея)ларни ортда қолдирди.

Эслатиб ўтамиз, бундан саккиз йил илгари Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи раҳматли Маҳмуд Раҳимов ҳам ана шундай юксак номни илк бор қўлга киритганди.

«Ўтган қисқа даврда юртимизда ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни вояга етказиш борасида катта ютуқларга эришилди. Бевосита рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, 2003-2007 йилларда мамлакатимизда 715 спорт мажмуи барпо этилди. Шундан 583 таси қишлоқ жойларда қурилгани эътиборга лойиқдир».

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Ғолиблар аниқланди

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ўтказилаётган анъанавий «Келажак овози» республика кўрик-танловининг бу йилги финал босқичи якуний паллага кирди. Шу муносабат билан куни кеча журналистлар учун матбуот анжумани ўтказилди

Иқтидорли йигит-қизларни аниқлаш ва рағбатлантириш мақсадида ўтказилаётган ижодий беллашувларда бу йил жами бўлиб 32 мингдан ортиқ ёш иштирокчи қатнашди. Шундан 547 нафари республика босқичига чиқиб, улар тўрт кун мобайнида пойтахтимиздаги санъат ва маданият саройлари, кўргазма заллари ҳамда қатор олий ўқув юртларида ўз ижод намуналари билан ғолиблик учун беллашдилар.

Хусусан, «тасвирий ва амалий санъат» йўналиши бўйича 103 нафар қатнашчининг ижодий ишлари Ўзбекистон Бадиий академиясининг Замонавий санъат марказида ҳакамлар ҳайъати томонидан кўриб чиқилиб, кенг жамоатчиликка намойиш этилди. «Ахборот ва коммуникация технологиялари» йўналиши бўйича 62 нафар иқтидор соҳиби ўз билимини Тошкент ахборот технологиялари университетида синаб кўрди. Яна шунча иштирокчи «рационализаторлик таклифлари, техник лойиҳалар ва ишланмалар» йўналишида Тошкент давлат техника университетида ғолибликка даъвогарлик қилишди. Шунингдек, «ижтимоий лойиҳалар ва бизнес режалар» йўналиши бўйича 71 нафар иштирокчи «Камолот» ЁИҲ қошидаги «Етакчи» ёшлар марказида, «архитектура ва дизайн» йўналиши бўйича 68 нафари Тошкент темир йўллари муҳандислик институтида, «бадиий ижод ва публицистика» йўналиши бўйича 112 нафар иштирокчи Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ва Ўзбекистон давлат консерваториясида, «спорт» йўналиши бўйича 69 нафар қатнашчи эса Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш институтида ўз ижодий ишлари ва лойиҳаларини жамоатчилик ва ҳакамлар ҳайъати олдида намойиш қилишди.

Бундан ташқари, финал босқичи иштирокчилари учун маданият ва санъат арбоблари, ёзувчи-шоирлар, спорт усталари билан ижодий учрашувлар, мулоқотлар ташкил этилди. Шунингдек, дастур доирасида «бадиий ижод ва публицистика» йўналиши бўйича 2005-2006 йилги ғолибларнинг шеърлари киритилган «Келажак юлдузлари» китобининг тақдимоти ҳам бўлиб ўтди.

Маълумки, ушбу дастур доирасида пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да «Келажак овози» танловининг ўтган йиллардаги ғолиблари томонидан яратилган эскиз ва моделлар экспозицияси намойиш этилиб, «Замонавий дизайн ва ёшлар» мавзуида семинар ўтказилди.

Дарҳақиқат, матбуот анжуманида таъкидланганидек, ушбу танлов ўзининг қамрови ва қатнашчилари кўплиги билан бугунги кунда миллий лойиҳа мақомини олишга эришди. Ўз-ўзидан ғолибларни аниқлаш ҳам осон кечмади. Ҳакамлар ҳайъати қатнашчилар орасидан энг иқтидорли 120 нафар ёшни ғолиб деб топди. Уларнинг номи эса бугун муҳташам Халқлар дўстлиги саройида бўлиб ўтадиган гала-концертда эълон қилинади ва тантанали равишда тақдирланади.

Зайниддин МАМАДАЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Зарафшон зираклари

«Зариспарк» заргарлик заводида ишлаб чиқарилаяпти



Зарафшон шаҳридаги мазкур олтин тақинчоқлар заводи фаолияти республика мустақиллиги билан боғлиқ. Зеро, бугунги кунда ўз маҳсулотлари билан чет эл ликлар диққат-эътиборини тортаётган ушбу корхонага 1992 йил 2 апрелда асос солинди. Агар дастлабки даврда завод бор-йўғи 10 турда 4,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, тўқсонинчи йиллар ўрталарига келиб, бу кўрсаткич 18-20 миллион сўмлик ҳажмга етди. Ҳозир заргарлик кошонаси йилига 1 миллиард сўмликдан зиёд «канат» типидаги аёллар зиракларини ишлаб чиқараяпти. Чет эл бозорларига дунё стандарти ва сертификатларига мос 500 турдаги замонавий заргарлик буюмлари тайёрлана бошланди. Масалан, хотинқизлар учун замонавий бўйин занжирлари, билакузуклар, нақшинкор сирғалар ва марварид ҳамда биллур кўзли исмижисмига монанд турфа узуклар бунинг ёрқин мисолидир.

— Йилига 10 тонна олтинни қайта ишлайдиган Нью-Йоркдаги «Евротрейд Интернейшнл ЛТД» дунё компанияси заргарлари ҳам энди биздан андаза олаяпти, — дейди **Навоий конметаллургия комбинати бош директори, Ўзбекистон Қаҳрамони Николай Кучерский.** — Чунки «канат» типидаги 585 пробали зиракларнинг бозори ниҳоятда чаққон. Бу тип аллақачон Россиянинг эски 583 пробали заргарлик буюмларини ортда қолдириб бўлди. Айни кезда маҳсулотларимиз — Англия, Германия, Канада, АҚШ, Россия, Туркия, Ҳиндистон, Украина, Белоруссия бозорларини ҳам забт этди...

— Яна бир жиҳати, — суҳбатга қўшилди **корхона директори Николай Бистриевский.** — Бизда сернусха зираклар ишлаб чиқаришга эътибор катта. Бу ҳол корхонамизда шубҳасиз янги иш ўринлари очилишига ҳам катта туртки бераяпти. Ҳозир ишчиларимиз сони 12 нафардан 81 кишига етди. Дастлаб ҳорижлик 4 та мутахассис бу ерда заргарлик бўйича сабоқ берган бўлса, эндиликда Фармон Қаҳҳоров, Шавкат Юсупов, Дилмурод Олимов сингари ўнлаб ўз маҳаллий мутахассис кадрларимиз бор...

Корхонада иқтисодий ҳамкорлик йўлида жаҳоннинг «мана-ман» деган заргарлик заводлари билан тажриба, мол айрибошлаш жараёнлари ҳам намунали йўлга қўйилди. Ҳозир дастлабки йиллардаги каби 400-500 килограмм эмас, аксинча, йилига бир тоннага яқин «9999» типидаги олтин қуймалар ноёб зиракларга айлантирилаяпти. Бу борада Ҳамдўстлик мамлакатларидаги — «Бронниц ювелир», «Спецсплавы», «Евросплав», Екатеринбург рангли металлар заводлари билан алоқалар, айниқса, яхши ривожланмоқда.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Муносиб меҳнатга муносиб баҳо

Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи Рауф Инилеев ОФК томонидан ўтказилган танловда «Йилнинг энг яхши мураббийи» деб топилди

Яна роппа-роса бир ойдан сўнг янги 2008 йил бошланади. Одатда йил ниҳоясида ҳар бир соҳанинг ўз сарҳисоби бўлади. Жумладан, Осиё футбол конфедерацияси тақвими бўйича ҳам 2007 йилга мўлжалланган қитъамиздаги барча муҳим мусобақалар ўтказиб бўлинди. Шуни ҳисобга олган ОФК йил лауреатларини ҳар қачонгидан барвақтроқ аниқлади.

1994 йилдан бери мунтазам ўтказиб келинаётган ушбу тантанали маросимга бу сафар Сидней (Австралия) шаҳри мезбонлик қилди. «Hordern Pavilion» саройида ўтган тадбир Ўзбекистон футболи учун ҳам унутилмас воқеага айланди. Чунки ташкилотчилар томонидан таъсис этилган ўнта номинацияга номзодлар орасида ҳамюртимиз номи ҳам бор эди.

Якунда ОФК томонидан «Осиёнинг энг яхши мураббийи» номинациясига номзоди кўрсатилган Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи Рауф Инилеев ғолиб деб топилди. Бундай шарафли номга 57 ёшли мураббий мамлакатимиз бош жамоаси билан шу йилнинг ёзида ўтган Осиё чемпионатида кўрсатган эътиборли ўйинлари учун эришди. Агар чорак финалда учрашув ҳакамлари кўпол хатоларга йўл қўйишмаганида терма жамоамиз мусобақадан албатта совриндор бўлиб қайтиши шубҳасиз эди.

— Ушбу кун менинг ҳаётимдаги энг бахтли кунлардан биридир, — дейди Рауф Инилеев. — Мен бу мукофотни ўзбек футболига ва унинг барча мухлисларига бағишлайман. Келгуси йили бошланадиган 2010 йилги жаҳон чемпионати саралаш ўйинларида миллий терма жамоамизнинг зафар кучиши учун бор куч ва маҳоратимни ишга солишга сўз бераман.

Мазкур танловда ҳамюртимиз мураббийлар Амир Галенои (Эрон терма жамоаси) ҳамда Ким Хак Бум («Сеонгнам Чунма» футбол клуби, Жанубий Корея)ларни ортда қолдирди.

Эслатиб ўтамиз, бундан саккиз йил илгари Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи раҳматли Маҳмуд Раҳимов ҳам ана шундай юксак номни илк бор қўлга киритганди.

Тошкент радиотехника ва автоматика касб-ҳунар коллежи томонидан 2002 йилда Цыпкина Елена Евгеньевна номига берилган К №000373 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Қашқадарё вилояти архив ишлари бошқармаси жамоаси «Шарқ» НМАК таҳририяти бош муҳаррири ўринбосари Ибодулла Шоймардоновга отаси **ЭЛМУРОД ҳожи ота**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг

«Хўжақўчқор» тоғларининг сири

кўпчиликни лол қолдирмоқда. Бу ерда мотори ўчирилган автомобиль пастдан тепаликка қараб бемалол ҳаракатланади...

Дунё мўъжизалар уммонидир. Унинг бетакрорлиги, фусункорлиги доим кишиларни мафтун этиб келган. Ҳайвонот оламининг ўзига хослиги, наботот дунёсининг гўзаллигидан лол қоламиз. Гоҳида тилсимотларнинг ечимини топсак, баъзан маҳлиё бўлишимиз ҳам шубҳасиз.

Сўлим Бойсун туманидан 15 чақирим олисда «Хўжақўчқор» тоғлари ястанган. Минг йилларга гувоҳ мазкур пурвиқор тоғ этагида шундай бир манзил борки, унинг сиридан кўпчилик лол қолмоқда. Кўрсангиз беихтиёр сизнинг ҳам ҳайратингиз ошиши тайин. Маълумки, физикада ер тортишиш кучи ҳақидаги қонун бор. Барча жисмлар ернинг моддий нуқтасига интилади. Бироқ биз ҳикоя қилмоқчи бўлган гўшада тамомила бунинг акси. Одатда автомашина тепаликдан пастга энишга яхши ҳаракат қилади. Бу ерда эса акси улов чўққи сари бемалол юради.

Тилсимларга тўла синоат майдонида тажриба ўтказамиз. Ҳайдовчи «Жигули» моторини ўчириб, кабинадан тушади. Машина шу заҳоти тепаликка интила бошлади. Бир маромда эллик метрча юриб тўхтади.

— Ажойиботларга қизиққаним боис, тоғ этагидаги шу манзилга тез-тез келаман, — дейди ҳамроҳимиз Худойқул Қосимов. — Йўлнинг яна бир ғаройиб хусусияти шундаки. Техника 50 метр юриб, «таққ» тўхтайди-қолади. «Хўжақўчқор»дан бошқа жойда бундай ғайриоддий ҳолни кўрмаганман.

— ...Шу йилнинг баҳорида пойтахтдан бир гуруҳ меҳмонлар келишди, — давом этади «Инкабод» маҳалласида яшовчи Рўзибой Нодиров. — Эрта баҳорда ғаройиб йўлни кўргани келдик. Биз минган «УАЗ» маълум нуқтага келди-ю, тўхтади. Қани энди пастликка энса...

— Юк автомашиналари, автобуслар ҳам ўз ҳолича пастдан юқорига юрармикан, — савол берамиз суҳбатдошларимизга.

— Тўғрисини айтсам, буни кўрмаганмиз, — дейди Худойқул ака. — Аммо енгил автомашиналар «зиппилляб» кўтарилади.

Ўзимиз гувоҳи бўлган воқеага ишониб-ишонмай, тажрибани яна синовдан ўтказдик. Машина тағин олислади... Суратчимиз бўлса бу тоғ бағридаги сирга маҳлиё бўлиб, ҳаллослаганча воқеликни тасмага муҳрларди.

— Бу фанда оптик адашиш, дейилади, — суҳбатни давом эттиради физик Абдураҳмон Мардонов. — Одатда бундай ҳудудлар ер юзида саноқли. «Хўжақўчқор»да автомобилнинг пастликка эмас, юқорига интилишига асосий сабаб моддий нуқтанинг юқорида жойлашганлигидир.

Ҳамкасбларимиздан бири бошқачароқ фикр айтди: — Бу ерда магнит майдони бўлса керак...

Ҳа, жаннатмонанд юртимизнинг тоғу тошлари-ю, бир сиқим тупроғи нафақат бойлик манбаи бўлибгина қолмай, балки мўъжизалар кони ҳамдир.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.
Шуҳрат ҚАҲҲОРОВ
олган сурат

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO'RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Madaniyat va sport 133-69-45, 133-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36, 133-44-55 (Tel. Faks)
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 133-12-56
Kotibiyat 133-72-83, 136-55-17
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Zayniddin MAMADALIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1150
7929 nusxada bosildi
Г — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 02.30
Topshirilgan vaqti — 03.30
1 2 3 4 5 6 7
Sotuvda erkin narxda